



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 26 апрель, № 81 (6011)

Шанба

## МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг бориши билан танишиш мақсадида 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.



Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ортимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самарасида янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, фирма ва компаниялар доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда.

Сурғил қони негизда бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунаси. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини

ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримов 25 апрель куни ушбу йирик саноат корхонасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

— Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси

билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз бежиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустаҳкам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан биридир. “Project Finance International” халқаро нашри ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш

битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. Шунингдек, у “Trade Finance Magazine” ва “Global Trade Review” нашрларининг “2012 йилнинг энг яхши битими” халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — “Infrastructure Journal” ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини “Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими” нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган

Жанубий Кореянинг “Kogas”, “Lotte Chemical”, “STX Energy” компаниялари ва “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия), Hermes, KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швеция) каби тараққиёт банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга сугурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётгани ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолат беради.

2012 йилда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда жадал давом этмоқда. Замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, ускуналар ўрнатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

Меҳнатсеварлик, самимийлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек ва корей халқларига бирдек хос, деди Қўрбошимиз.

Мажмуа қурилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

Биз мустақиллигимизнинг илк йилларида келажак буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик, деди Президентимиз. Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб заводларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз ва ана шу эзгу ниятларимизга эришаётганимизнинг амалий ифодасини кўраемиз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг яшаш ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Учрашувда “Uz-Kor Gaz Chemical” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси бошқаруви раиси Ли Хонг Йол, “Lotte Chemical” компанияси директори, лойиҳанинг техник раҳбари Хон Чул Пак, “Hyundai engineering” компанияси менежери, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиш майдони раҳбари Ким Ван Су ва бошқалар яратилган қулай шарт-шароит, доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**Анвар САМАДОВ,**  
**Аминбой ОРТИҚБОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари.**

Фарход ҚУРБОНБОВ  
олган суратлар.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

Бельгиянинг Антверпен провинцияси Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия миссияси томонидан ташкил этилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Антверпен — Бельгиянинг бешта фламанд провинцияларидан бири бўлиб, у Шельда дарёси оқими бўйлаб Шимолий денгизга туташади. Про-

винция пойтахти ҳам Антверпендир. У Бельгиянинг Брюсселдан кейин турадиган иккинчи шаҳри ва Фландриядаги энг йирик шаҳар саналади.

Антверпеннинг денгиз порти дунёдаги энг йирик унталикка киради. Провинцияда машинасозлик, атом энергетикаси, нефть-кимё ва дори-дармон ишлаб

чиқариш сингари соҳаларнинг етакчи саноат марказлари жойлашган. Шу билан бирга, Антверпен йирик таълим маркази ҳамдир. У ерда университет ва бир неча олий мактаблар фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу провинция компаниялари фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, шаҳар

Европада катталиги бўйича иккинчи ўринда турувчи денгиз порти ва жаҳондаги етакчи логистика нукталаридан бирига эга бўлиб, бу ердаги кўпгина корхоналар логистика хизматлари кўрсатиш ҳамда транспортда юк ташишга ихтисослаштирилган.

Тақдимот чоғида Антверпен Савдо-саноат палатасига аъзо компаниялар

вакилларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда юртимизда яратилган қулай инвестиция муҳити тўғрисидаги батафсил ахборот тақдим этилди. Шунингдек, улар мамлакатимиздаги махсус индустриал зоналар ва уларнинг имкониятлари, Бельгия корхоналари иштирок этиши мумкин бўлган инвестициявий лойиҳалар борасида ҳам зарур маълумотларга эга бўлдилар.

(Давоми 2-бетда.)

## 26 АПРЕЛЬ — «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ ТАЪССИС ЭТИЛГАН КУН

Жонажон Ўзбекистонимиз ўзининг ноёб иқтидори, юксак салоҳияти, бетакрор шахсияти билан ном қозониб, оламаро шон-шухрат, эътибор топган улғу алломаларга бешик бўлган табаррук заминдир. Яқинда таваллудининг 678 йиллиги кенг нишонланган Соҳибқирон Амир Темур ана шундай буюк зотлардан бири бўлиб, бугун бобокалонимизнинг жаҳон тамаддунида тугган ўрни халқаро миқёсда кенг ўрганилаётгани барчамизни беҳад гурурлантиради, албатта.

## Адолат, буюклик ва ҳурлик тимсоли

Зеро, истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тарихимиз, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ҳолисона ўрганиш имконига эга бўлди. Кўплаб улғу аждодларимиз сингари Амир Темурнинг муборак номи тарихимиз саҳифасидан қайта-қайта истиқлолимизнинг бебаҳо тўғраларидандир.



Маълумки, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Уша йили Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ, “Амир Темур”

ордени таъсис этилди. Амир Темур тарихимиздаги энг ёрқин, энг буюк сиймолардан бири сифатида халқимизнинг миллий ифтихори, озошлик тимсолига айланган. Айни пайтда Соҳибқирон нафақат Ватанимиз ва миллий давлатчилигимиз, балки дунё тарихида ўз ўрни, макъеи ва салодан жой олгани истиқлолимизнинг бебаҳо тўғраларидандир. Бобокалонимиз курдирган бетакрор меъморий обидалар, осориатикалар улғуворлиги билан ханузгача инсонларни ҳайратга солиб келаятир.

(Давоми 3-бетда.)

## ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ

Соғлом ва мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни эзгу ғоялар руҳида камол топтиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бадий адабиётни раванқ топтириш, бу йўлда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, марҳум ижодкорлар хотирасини эъзозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

## МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф жўшқин ва серқирра ижодий фаолияти, жонажон Ватанимиз, мустақиллигимиз, меҳнатсевар халқимизни мадҳ этувчи шеърлари билан адабиёт муҳлисларининг ардоғига сазовор бўлган хассос ижодкорлардан эди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Ватан ва истиқлол куйчиси таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, маҳалларда, ҳарбий қисмларда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий учрашувлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, адабиёт кунлари бўлиб ўтмоқда.

«Туркистон» саройида 25 апрель куни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори Ж. Қосимов, Ўзбекистон халқ артисти А. Рафиқов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизнинг узвий ва муҳим қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бадий сўз санъати, унинг ривожини йўлда меҳнати сингган ижодкорлар хотирасини ардоқлаш борасида кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Муҳаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбига ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу тарғиботчиларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган.

(Давоми 2-бетда.)

# ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КҲУЙЧИСИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг истиқлолимизга садоқат, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тараннум этган шеърлари, дос-

тонлари адабиёт мухлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган. Муҳаммад Юсуфнинг «Таниш тераклар», «Ишқ кемаси», «Эрка кийик», «Узингдан қўймасин, халқим» каби

шеърли тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридор халқимизни, беғубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи шеърлари асосида яратилган қўшиқлар санъат мухлислари қалбидан жой олган.

Шоирнинг адабиётимиз равнақи йўлидаги меҳнатлари муносиб тақдирланган. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари билан Муҳаммад Юсуф «Дўстлик» ордени, Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан шоирнинг олтинчи йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда кино ижодкорларимиз томонидан унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида шоирнинг «Сайланма» асарлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсининг «Адиб» нашриётида «Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида» тўплами чоп этилди. Шоир тахсил олган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига унинг ибратли фаолиятига бағишланган музей хонаси ташкил этилди. Мазкур университет та-

лабалари томонидан шоирнинг шеърлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилди.

Ижодий кечада Муҳаммад Юсуфнинг умр йўлдоши Назира Саломова юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Истиқлол барча қалам аҳли сингари Муҳаммад ақанинг ҳам эркин ва самарали ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратди, — дейди Н. Саломова. — Давлатимиз раҳбари томонидан унинг меҳнатлари юксак эътироф этилиб, хотирасини эъзозлаш юзасидан кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибордан бошимиз кўкка етди.

Адабий кечада юксак шоир ҳаёти ва фаолиятига оид янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Концерт дастурида шоир шеърлари билан айтиладиган ашулалар янгради.

Ижодий кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов иштирок этди.

Шу кунни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ашаган пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Пушкин-Солор кўчасидаги 1-уйда шоир хотирасига бағишланган асқорлик лавҳаси ўрнатилди.

Халқимизнинг ардоқли шоири хотирасига бағишланган ижодий кечалар, маърифий анжуманлар, мушоиралар давом этмоқда.

**Назokat УСМОНОВА, Ўза мубири.**  
Отбек МИРСОАТОВ олган сурат.

салбий ҳолатларнинг олдини олиши билан алоҳида ахралиб туради.

Ярмарка иштирокчиларида, шунингдек, кичик бизнес вакиллари маҳсулотлари ҳам катта қизиқиш уйғотди. Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Zara Shaft" хусусий корхонасида тайёрланган зинаэроз майдонларини ёритувчи автомат ускунаси шулардан биридир. Унинг аҳамияти шундаки, кўп қаватли тураржой ва корхоналарда электр энергиясини тежаш имконини беради.

Айтилган, унинг махсус датчиги зарур вақтда, яъни йўлда одам пайдо бўлганини қайд этсагина чирик ёнади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу автомат амалиётга жорий этилса, биргина Тошкент шаҳрида йилига 200 минг АҚШ доллар микдорида маблағ тежаланиши мумкин экан.

Мухтасар айтганда, ун кун давом этган тадбир қатнашчилар учун нихатда самарали бўлди. Унда иқтисодий тармоқларига янги технологияларни жалб этиш самарадорлиги ва корхоналарнинг бундай ишланмаларга бўлган эҳтиёжи бўйича тақдимот маросимлари ўтказилиб, яқинда инновацияларни жорий қилиш борасидаги ҳамкорлик бўйича 14,1 миллиард сўмлик 320 дан ортик шартнома ва келишувлар имзолангани бунинг яққол тасдиғидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мубири.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир доирасида мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқули ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари, иқтисодий диверсификациялаш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳамда қонунчиликдаги хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақидаги ахборотлар ҳам тақдим қилинди.

Алоҳида таъкидланганидек, республиканинг улкан салоҳияти, унинг бой минерал, хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурслари, юқори малакали мутахассислари, қулай жугрофий жойлашуви мамлакатнинг жадал иқтисодий тараққиёти ва хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига хизмат қилаётди.

Анжуман иштирокчиларига юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган муваффақиятлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган имкониятлар ҳақидаги махсус материаллар тақдим этилгани баробарида, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига бағишланган ҳужжатли фильм ҳам намойиш қилинди.

Бельгиялик ишбилармонлар Ўзбекистон билан инвестиция соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатishi юзасидан катта қизиқиш билдирдилар.

Хусусан, Антверпен Савдо-сановат палатасининг бош менежери Жил Сутенс Ўзбекистондаги ички сийбий барқарорлик ва жадал иқтисодий тараққиёт хорижий сармоядорларни мамлакат бозорига жалб қилаётганини қайд этди.

"Махсус индустриал зоналарда амал қиладиган қулай шарт-шароитлар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун янги имкониятларни тақдим этмоқда. Антверпен Савдо-сановат палатасига аэзо бўлган кўплаб компаниялар Ўзбекистон тақлиф қилаётган инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишга қизиқиш билдирмоқда. Биз савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни жадаллаштириш учун барча савий-ҳаракатни амалга оширишга тайёрмиз", деди у.

"Induss" компанияси президенти Ивен Генленкоттен 2013 йилда республикада ижтимоий-иқтисодий жабҳада эришилган ютуқларга юксак баҳо берар экан, улар мамлакатнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат эканини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли мамлакатга ривожланиш

жараёнидаги барча қийинчиликни енгиб ўтиш имконини берди, — деди у. — Тарихан қисқа муддат мобайнида республикада мустақам иқтисодийёт барпо этилгани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда мамлакат дунёдаги энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан бирини намоён қилмоқда. Ўзбекистонда ишбилармонлик фаолиятини юритиш учун яратилган ҳамда қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятли тарзда амалга оширилиши билан мустақамланган қулай шарт-шароитлар Антверпен компанияларининг республика билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатishi ғандоқда.

Бу каби уршувларнинг ўтказилиши Ўзбекистон — Бельгия савдо-иқтисодий шериклигини чуқурлаштириш ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш нуктаи назардан муҳим аҳамият касб этади.

"Orfit Industries" компаниясининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий директори Йохан Фоке ҳам тадбирда намойиш этилган маълумотлар ва ўзаро манфаат касб этадиган тақлифлар Ўзбекистон ва Антверпен ишбилармон доиралари ўртасидаги иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликнинг янада ривожланишига кўмаклашишни қайд этди.

— Компанияси тиббиёт асбоб-ускуналари ва технологияларини етказиб бериш билан шуғулланади, — деди Йохан Фоке. — Ўтган йили биз "UzMed EXPO" VI Халқаро итисослаштирилган тиббиёт кўргазмасида қатнашдик.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида ўтказилаётган халқаро кўргазмалар миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланishiга хизмат қилмоқда. Мамлакатингизда тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустақамлашнинг муҳим омилли сифатида намоён бўлаётди. 2013 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 3,8 баробар ошгани диққатга сазовордир.

Ўзбекистон — улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Биз Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан, тиббиёт соҳасидаги тегишли идора, фирма ва компаниялар билан тўридан-тўри алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдормиз.

**«Жаҳон» АА.**  
Бельгия

# Истиқболли лойиҳалар, манфаатли келишувлар

илмий муассасалар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади



Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига илгор технологиялар изчил таътиқ этилаётгани, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга жиддий эътибор бериллаётгани туйғайли бугун улрда юқори самарадорликка эришилапти.

Жорий ҳафтанинг охири кунларида пойтахтимиздаги "Узэкспомарказ" мажмуи, том маънода, ана шу ютуқларимизнинг ҳақиқий майдониға айланган, десак, асло муболага бўлмайдик. Чунки бу ерда бўлиб ўтган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" VII Республика ярмаркаси доирасида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, фан ва таълим соҳаларидаги юзлаб инновацион махсулотлар намойиш этилдики, уларни амалиётда қўллаш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маблағ ва воситаларни тежаш, ички бозорда миллий махсулотлар улушини кўпайтиришдек эзгу

мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори

асосида ўтказилаётган ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам шунга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти томонидан тақлиф этилган "Техник ва тазаланган микрокристалл целлюлоза олиш технологияси" истиқболли ишланмалардан бири ҳисобланади. Негаки, ҳозирги кунда микрокристалл целлюлозадан озик-овқат, кимё, фармацевтика ҳамда саноатнинг бошқа тармоқларида кенг қўлланилса, мазкур технология эса уни маҳаллий хом ашё — пахта целлюлозаси ва момигидан ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Яъни уни амалиётда татбиқ этиш орқали нафақат ушбу

махсулотга бўлган ички эҳтиёж қондирилади, балки уни экспорт қилиш имконияти ҳам вужудга келади.

Маълумотларга кўра, ҳосилдорлик кучсиз шўрланган экин майдонларида 25, ўртача шўрланган ерларда 50, кўчли шўрланган тупроқда эса 80 фоизгача камайиб кетар экан. Шу маънода, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти олимларининг "Фермер ҳўжалиklarнинг сугорилидиган ерларда "Тупроқ шўрланиши картограммасини тузиш" ҳамда Ўзбекистон Миллий университети мутахассисларининг "Фермерларни тупроқ умумдорлигини ошириш бўйича ўқитиш" лойиҳалари бундай



# Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши: МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Тошкентда "Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар" мавзюида халқаро конференция бўлиб ўтди.

## КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адиб вазириклари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Савдо-сановат палатаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мажмуи анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазириклар, идоралар, халқаро ҳамда жамоат ташкилотлари мутасаддилари, хорижий экспертлар, иш бевуричлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда тараққиётнинг "ўзбек модели" тамойиллари ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани, бу демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, юрт равнақи, халқ турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этишди.

Бугунги кунда юртимизда инсон манфаатларини рўйбага чиқариш олий қадрият даражасига айлангани, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинаётгани бунинг тасдиғидир. Бу йўлда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, улар замон талаблари асосида тақомиллаштирилади, соҳада фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб борапти. Меҳнат кодекси, "Касаба уюмлари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қамқолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда икки юздан ортик қонун

ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бу йўлда мустақам пойдевор бўлмоқда. Шу кунларда кенг жамоатчилик ўртасида кизгин муҳомадан ўтказилаётган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши ҳам ана шу ислохотларни мантйк ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқishi, шубҳасиз.

Айни чоғда мамлакатимиз бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилиб, улрдаги инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, меҳнат ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминловчи меъёрлар миллий қонунчиликка имплементация қилинди. Чунончи, Ўзбекистон БМТнинг итисослаштирилган муассаса-

саси — Халқаро меҳнат ташкилотига 1992 йилда аэзо бўлиб, унинг ижтимоий адолат тамойиллари, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат соҳасидаги халқаро ҳуқуқларни ўзида ифодалаган ўн учта Конвенциясини ратификация қилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида республикада салмоқли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётди, стратегик аҳамиятга эга давлат дастурлари қабул қилиниб, улрдаги устувор вазиятлар изчил бажарилапти. Биргина 2013 йилнинг ўзида давлат бюджетидан ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақлаб қолиниб, мазкур кўрсаткич қарийб 60 фоизга етгани бунга бир мисолдир. Ушбу маблағлар таълим, соғлиқни сақлаш тизимини янада равнақ топтириш баробарида, янги иш ўринлари ташкил қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шартлол тақдим этиш, ишчи-ҳодимлар, улрнинг оила аэзолари ижтимоий муҳофазаси, меҳнат

ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари доимо диққат-эътиборда бўлиб келмоқда.

Халқаро конференцияда бугунги ислохотлар, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий тажриба тақдим қилинди, шунингдек, халқаро ҳамкорлик ва унинг истиқболлари ҳақида сўз борди. Айниқса, Ўзбекистоннинг меҳнат соҳасидаги қонунчилиги, ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқаро стандартларга тўла мос келиши, улрнинг самаралари алоҳида таъкидланди. Хусусан, юртимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шартлол яратиш ҳамда улрға бола парвариши билан боғлиқ қўшимча таътилар, оналик билан боғлиқ турли қўшимча тўловлар ажратиш борасида алоҳида имтиёз ва қамқолатлар берилган.

Анжуманда меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат, иш бевуричлар ҳамда касаба уюшмалари ўртасида конструктив иж-

тимоий мулоқотни йўлга қўйиш, касаба уюшмалари томонидан меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича қилинаётган ишлар, улрнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон ҳукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-сановат палатаси ўртасида ташкилланган Бош келишув ана шу савий-ҳаракатларнинг ёрқин далилидир. Мазкур ҳужжат мазмун-моҳияти тармоқ ва худудий келишувлар, корхоналар, ташкилот ҳамда муассасалардаги жамоа шартномаларини янада тақомиллаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Уларда ҳодимлар, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, корхона ва ташкилотларда ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларни ишга joyлаштириш учун қўшимча иш ўринлари яратиш, ҳодимлар малакасини ошириш учун ўқув ҳамда қайта ўқитишни ташкил этиш масалалари кўзда тутилгани бунинг тасдиғидир.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳодимлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучай-

тириш борасидаги тизимли чора-тадбирлар алоҳида қайд этилди. Чунончи, мамлакат касаба уюшмалари янги иш ўринларини яратиш Давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиб, ҳодимлар меҳнат шартлоларини яхшилаш, улрнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли чоралар кўриб, жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда. Уч томонлама масхалатлашувлар доирасида ҳар йили меҳнат соҳасидаги долзарб масалаларни кўриб чиқиш учун касаба уюшмалари, иш бевуричлар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида жамоатчилик эшитувлари ўтказиб келинаётди. Нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотлар, қўшма, хусусий ҳамда оилавий корхоналарни касаба уюшмаларига жалб этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилапти. Хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги ишлар кўчайтирилиб, якка ташкилоти ҳамда жамоавий меҳнат низоларини судга ҳал қилиш амалиёти кенгайтирилди. Уш навбатиде, меҳнат муҳофазаси соҳасида бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиklarнинг олдини олиш масаласи касаба уюшмаларининг доимий эътиборидадир. Ушбу мақсадларда ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича кенг қўламли ахборот-тўшунтириш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган.

Халқаро анжуманда иштирок этган халқаро экспертлар томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси юқори баҳолиниб, иш кучига бўлган талабни рағбатлантириш, иш joyлари ҳимояси, ижтимоий ҳимоя тизимларини кенгайтириш, ижтимоий мулоқот олиб бериш ва ҳодимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича Ўзбекистонда катта муваффақиятларга эришилгани эътироф этилди.

Конференция давомиде фуқароларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари ҳамда улрни миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга мувофиқ таъминлаш усуллари, Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг ҳодимлар меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолияти, халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этишда Халқаро меҳнат ташкилотининг роли каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Жунда қўриб чиқилган мавзу бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Сиджон МАХСУМОВ.**

## СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Кари ТАПИОЛА, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директорининг махсус маслаҳатчиси:**

— Аввало, Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз кўлами кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизда фуқаролар учун муносиб меҳнат шартлол яратиб бериш, улрнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиллаётгани диққатга сазовор. Соҳага оид мустақам таъминлилий-ҳуқуқий база яратилгани, ХМТнинг бир қатор конвенциялари ратификация қилиниб, улрнинг бажарилиши бўйича жамоатчилик мониторингини йўлга қўйилгани ана шундан далолат беради. Шунга уйғун тарзда Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий шериклик механизми роли кўчайиб

бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳукумат, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-сановат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувга мувофиқ амалга оширилаётган ишлар шундай дейишимизга асосдир.

**Себастьян КУДЕРК, эксперт (Франция):**

— Анжуманда меҳнат соҳасидаги қонун ижодкорлигида касаба уюшмаларининг иштирокига оид маъруза билан қатнашдим. Уз навбатиде, қўллаб маълумотларга эга бўлидим. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни кенг ривожлантириш асосида ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўла амалга ошириш, улрнинг оила аэзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик, ислохотлар стратегияси

билан яқиндан танишдим. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга йўналтирилган билан долзарбдир. Айниқса, молиявий-иқтисодий инқироз таъсири ҳамо сақланиб турган бугунги шартлода хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий кўмакка муҳтож ва имконияти қончанган шахсларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига яқиндан кўмаклашилаётгани эътирофга лойик.

**Хиточ ТАКИЗУМА, Япония Касаба уюшмалари конфедерацияси халқаро департаменти директори:**

— Бугунги ўзгаришчан замонда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини изчил таъминлаш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Юртингизда ушбу йўналишдаги ислохотлар пойдевори ҳар томонлама мустақамланган. Шу йўлда


амалга оширилаётган ишлар, улрнинг самараси, Ўзбекистон тажрибаси анжуман иштирокчилари қатори менда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бу борада ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳар томонлама фойдалидир.

**Харри ТАЛИГА, эксперт (Эстония):**

— Аввало, Ўзбекистонда ҳар йили давлат бюджети харажатларининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун йўналтириллаётгани, иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид давлат дастури қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиллаётганини аҳамиятга алоҳида тўхталиш лозим. Зеро, мамлакатингизда давр тенденцияларига бундай ёндашув тараққиёт гарови бўлиб келяпти ва ундан ўрناق олса арзийди.

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ  
ЙЎЛИДА



Навоий шаҳридаги калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Baht-Textile" қўшма корхонасига "Rieter" компаниясининг (Швейцария) замонавий дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

15 миллиард сўмлик модернизациялаш ишлари амалга оширилди

Бунинг учун 14,8 миллиард сўмлик кредит маблағи йўналтирилди. Эйтиборлики, янги ускуналарнинг самарадорлиги турдошларига нисбатан икки баробар юқори. Бу эса жорий йилнинг биринчи чорагида 2,75 миллион АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконини берди.

Замонавий дастгоҳлар электр энергиясини тежаш билан бирга, жаҳон бозори талабларига мос калава ип тайёрлашда қўл келмоқда, — дейди қўшма корхона директори Фуқрат Турсунов.

Айни пайтда модернизациялаш тадбирлари давом эттирилиб, "Baht-Textile"нинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини 11 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳар бир буюртмага ижодий ёндашув

Тўрақўрган туманидаги "Bunyodkor klassik servis" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган металл томёқичларга махаллий бозорда талаб ортиб бораёттир.

Бунинг сабаби — маҳсулот буюртмачи танлаган ранг ва шаклда ҳамда тезкорлик билан тайёрлаб берилаётганида. Бундай имконият корхонада модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиб, компьютерлаштирилган дастгоҳлар ўрнатилиши туфайли юзага келди.

Ҳозир корхонанинг уч турдаги металл томёқичлари фойдаланиш учун қулайлиги, пишиқлиги ҳамда ёрқин ранглари билан буюртмачи-

ларга маъқул тушаёттир. Кичик бизнес жамоаси яқинда рўзгор учун сирланган челақ ва мих ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди.

— Утган йили 650 миллион сўмликдан зиёд томёқич ва бошқа қурилишбоп ашёлар тайёрлаган эдик, — дейди МЧЖ раҳбари Абдуллажон Хотамов. — Жорий йилда бу кўрсаткични қарийб элли фоиз оширишни кўзлаб турибмиз.

Қудратилла НАЖИМДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Кам маблағ сарфлаб, катта даромад олиш омили

Лок-бўёқ маҳсулотларини тайёрлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Карьердан қазиб олинган оҳақтош кучли босим остида кукун холига келтирилади.

Унга гидроцеллюлоза, оқрил, оқ цемент каби зарур моддалар қўшилиб, маълум иссиқликда аралаштирилади.

Урганч шаҳридаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Сатин индустриал" масъулияти чекланган жамиятида ана шу усулда пардозлаш ашёси тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳозир юздан ортиқ қурилиш ташкилотларига 10 турга яқин сифатли лок-бўёқ маҳсулотлари етказиб берилиб, ойига ўртача 125 миллион сўмлик қурилишбоп лок-бўёқ тайёрланапти.

— Замонавий илғор технологиялар иш жараёнида қўл келмоқда, — дейди корхона раҳбари Шавкат Полванов. — Бундан ташқари, инновацион техник ишланмалардан кенг фойдаланаямиз. Бу эса кам маблағ сарфлаб, катта даромад олишимизда асосий омил бўлмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Орден марказида Амир Темурнинг от устидаги улғувор қиёфаси акс этган, тасвир остида эса Соҳибқирон салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган "Куч — адолатда" шиори битилган. Мазкур орден билан давлатчилгимизни мустақамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни орттиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашга алоҳида ҳисса қўшган юрдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланди. Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат бирлашмалари ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамла-

Адолат, буюклик ва ҳурлик тимсоли

катимизнинг маъмурий-худудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонида биноан, 1996 йилнинг 28 август кунин Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари "Амир Темур" ордени билан мукофотланди. Бу бежиз эмас. Негаки, ушбу икки кўна шаҳар Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутган. У Кешда туғилиб ўсган бўлса, Самарқандни ўз даврининг энг буюк ва улкан салтанати марказига айлантирган, гуллаб-яшнашга, юксалишига алоҳида эътибор қаратган.

Соҳибқирон Самарқанднинг мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган. Шу мақсадда бутун дунёдан моҳир меъморларни, қўли гул хунармандларни ўз пойтахтига жалб қилган. Уларнинг салоҳияти ва ақл-заковатини сафарбар этиб, бетакрор меъморий мўъжизаларни бунёд этган. Самарқанд темурийлар давлатининг пойтахти сифатида жаҳон илм-фани, маданияти, меъморчилик санъати ривожига ҳамда давлатлараро ҳамкорликни, халқлар ўртасида дўстликни мустақамлашга улкан ҳисса қўшган ва бугунги

кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келаёттир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлодни миллий кадрият ва аъёнларимизга юксак хурмат руҳида, Ватанига садоқатли комил инсонлар этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланиши ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори ҳам мамлакатимизда навқирон

авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадидаги эзгу сазй-ҳаракатлар натижасидир. Бунинг самарасида ўғил-қизларимиз ақл-заковати, зукколиги билан юртимиз шухратини янада зиёда қилмоқда. Жумладан, ўн йил муқаддам Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган эди. Юртимизнинг жаҳондаги обрўсини янада оширишга улкан ҳисса қўшган шахматчимиз "Амир Темур" ордени билан мукофотланди.

Йиллар, асрлар ўтса-да, Амир Темурнинг Ватанимиз, халқимиз олдидаги улкан хизматларининг аҳамияти, қадри ошиб бораверди. Соҳибқирон бобоимизнинг улғувор сиймоси эса халқимизни янги марраларга ўндовчи кучкудрат манбаи, адолат, буюклик ва ҳурлик тимсоли бўлиб қолади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Соғлом аёл — соғлом жамият

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида "Соғлом аёл — соғлом жамият" шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди.

ТАДБИР

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда турли вазирлик ва идораларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўзаро беллашди.

Мусобақанинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустақамлаш, уларнинг, айниқса, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ушбу йўналишда бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, бу, ўз нав-

батида, оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, қизларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаёттир.

Албатта, мана шундай эзгу сазй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда спортда юксак натижаларга эришиб келаётган қизлар сони тобора ортиб бормоқда. Икти-



Елқин ШАМСИДИНОВ (ўса) олган сурат.

дори ва маҳорати билан кўпчилиكنинг эътиборига тушган ана шундай истеъдодларимиздан 30 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Бундан ташқари, уй бекалари ўртасида соғлом турмуш тарзини янада оммалаштириш мақсадида "Гимнастика

барча учун" фестивали, "Дадам, онам ва мен — спортчилар оиласи" мусобақаларини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилди. "Соғлом аёл — соғлом жамият" тадбири ҳам ана шундай эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Унда 130 нафардан зиёд хотин-қиз бадминтон, стол тенниси, шашка ва

гимнастрада каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Фозилдин АБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

26 АПРЕЛЬ – ХАЛҚАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК КУНИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат патент идораси вакиллари қатнашди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самарасини бераёттир. Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонунлари ҳамда бошқа қўллаб-меъорий ҳужжатлар

соҳага оид муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мамлакатимиз интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида қўллаб-халқаро шартнома ва битимларга аъзо. Ўзбекистон бу йўналишда ЮНЕСКО, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) каби халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик ўрнатган. Мамлакатимизнинг Берн конвенциясига қўшилгани

ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгалари учун катта имкониятлар яратди. Бу илмий-техникавий ишланмаларни хоризд муҳофаза қилиш ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этиш имконини бермоқда.

Дастлаб саноатга оид интеллектуал мулкнинг 4 объектига — ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белги-

ларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш жорий этилган бўлса, ҳозирги кунда ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, ўсимлик навлари, интеграл микросхемалар топологиялари, товар келиб чиққан жой номлари каби ўндан ортиқ интеллектуал мулк объекти муҳофазага олинган. Энг муҳими, патентли ҳимоялаш тизими илмий ишланманинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш билан бирга, уни ишлаб чиқаришга жорий этишга кенг йўл очаёттир.

Тадбирда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни такомиллаштириш, интеллектуал мулк ҳуқуқини олий таълим муассасаларида ўқитишни янада кенгайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Д. КАРИМОВ,  
Ўза мухбири.

ИЗЛАНИШ

Бугунги кунда Фаргона водийсида бепойн худудларни эгаллаган қум барханларига деярли дуч келмайсиз.

Фермер янги тармоқни йўлга қўйди

Шу боис худудда "сахро кемаси" дея таърифланадиган туяларни парвариллаш унутилаётган турлардан бирига айланиб бораётган эди.

Ўзбекистон туманидаги Козимжон Абдуллаев ўзи раҳбарлик қилаётган "Қораёзбобо" фермер хўжалигини мазкур тармоқни қайта тиклаб, 19 бош туя парварлишини йўлга қўйди.

— Туя жунидан тайёрланган матолар инсон танасини совуқдан яхши ҳимоялайди, — дейди фермер. — Қолаверса, унинг сути жуда шифобахш. Шу боис келгусида туяларимиз сонини янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Эътиборли жиҳати, айни пайтда хўжалиқда пахта ва ғалла етиштиришдан ташқари, чорвачилик, балиқчилик, паррандачиликдан ҳам катта даромад олинмоқда.

Набижон СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА

**МЧЖ «KRANTAS»** шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади

<p><b>БЕНЗОВОЗ</b> «SUZU», «КамАЗ» шассисида</p> <p>Буюртма асосида</p>	<p><b>АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ</b> «SUZU», «КамАЗ» шассисида</p> <p>Буюртма асосида</p>
<p><b>ВАХТА УЧУН АВТОБУС</b> «КамАЗ» шассисид (6x6) 20-24 одамга</p> <p>Буюртма асосида</p>	<p><b>СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА</b> «SUZU», «КамАЗ» шассисида</p> <p>Буюртма асосида</p>

КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

(8-371) 262-97-78, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. [www.ttemz-kran.uz](http://www.ttemz-kran.uz)

**ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS»** ишлаб чиқаради ва сотади:

**АВТОКРАНЛАР** юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.

Буюртма асосида

**САМОСВАЛЛАР** «HOWO SINCTRUCK» шассисида, юк кўтариши 20 т., 25 т.

**КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР** «SUZU», «КамАЗ» шассисида, юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.

Буюртма асосида

Телефонлар:  
(8-371) 262-97-78,  
тел./факс: 262-23-61,  
(+99890) 187-52-05,  
(+99890) 808-88-17.

[www.ttemz-kran.uz](http://www.ttemz-kran.uz)



Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тасвирий санъат фестивали ниҳоясига етди.

# Ёш истеъдодларни кашф этган ҳафталик

Соғлом бола йилига бағишланган ушбу фестивалда нафақат юртимиз, балки бир қатор хорижий давлатлардан ҳам мўйқалам усталари, ҳайкалтарошлар, шунингдек, ёш истеъдод соҳиблари ўз ижодий ишлари билан қатнашди.

хукмига ҳавола қилинди. Шунингдек, Камолиддин Бехзод мемориал бог-музейда Япония санъат ҳафталиги ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир давомида тасвирий ва амалий санъатимизнинг таниқли вакиллари ҳамда хорижий мутахассислар иштирокида "Маҳорат сабоқлари", давра суҳбатлари, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

— "Санъат ҳафталиги" да илк бор қатнашимиз, — дейди Республика ди-



рағбатлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар натижасидир.

Миллий қадрият ҳамда анъаналаримизни эъзозлаш, ёш ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу ҳафталик мусаввирлар, уста ва хунармандлар, санъатшунослар ҳамда ёш ижодкорлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга, истеъдод соҳибларининг бадий санъат сирларини пухта эгallaшига хизмат қилмоқда. Беш кун давомида пойтахтимиз ҳамда вилоятлардаги энг гўзал санъат ва маданият қошоналарида фестиваль қатнашчиларининг бири-биридан ранг-баранг ва қатор мавзуларни қамраб олган рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик сингари йўналишдаги асарлари санъат ихлосмандлари

зайн коллежи ўқувчиси Муслима Омонуллаева. — Устозлардан сабоқлар олиш, ижоди билан танишиш ҳар қандай ёш мусаввири юксакликка интилишга, изланишга, ўз устида мунтазам ишлашга ундайди. Ушбу тадбирдаги иштирокчим ўзимга бўлган ишончини оширди.

Яқунда фестивалнинг голиб ва совриндорлари аниқланди. Нуфузли танлов ҳайъати қарори билан тадбирда муваффақиятли иштирок этган ёш rassomлар, дизайнерлар, ҳайкалтарошлар, амалий санъатнинг бошқа турлари усталари, санъатга йўналтирилган ўқув муассасаларига Бадий академиянинг 13 та олтин, 18 та кумуш медаллари ҳамда диплом, фахрий ёрлиқ ва сертификатлари топширилди.

Моҳира АДИЗОВА, санъатшунос.

# «Адабиётга эътибор — келажакка эътибор»

Навоий шахрида "Адабиётга эътибор — келажакка эътибор" шиори остида китоблар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унда 500 дан ортиқ номдаги адабиётлар намойиш этиляпти.

## МАЪНАВИЯТ

"Ўзбекитобсавдо" акциядорлик компанияси, Республика Маънавият тарбиёт маркази вилоят бўлими ҳамда вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда мактаб ва коллеж ўқувчилари, институт талабалари фаол иштирок этаётир.

— Кўргазма миллий маънавиятимизни янада бойитиш, бой маданий меросимизни авайлаб асраш ва ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир, — дейди Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Рамазон Ражабов. — Жойлардаги ахборот-ресурс марказлари китоб фондиди янада кенгайтириш бундай кўргазмаларнинг аҳамияти катта.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ИНТИЛИШ**  
Норинлик хунарманд Анвархон Бозоров — бешиксоз уста. У ушбу қадимий хунар турини оилавий даромад манбаига айлантирди. Бундан руҳланган турмуш ўртоғи Робия опа эса миллий кўғирчоқлар ясашни йўлга қўйди.

# Кўғирчоқларда миллий қаҳрамонларимиз сиймоси

Айни пайтда хунарманд аёл томонидан тайёрланган махсулотларга қараб ҳавасингиз келади. Уларнинг аксарияти Тоҳир ва Зухра, Алпоммиш, Барчиной каби миллий қаҳрамонларимиз сиймосини акс эттирган. Робия Бозорова севимли

машғулотига қизлари ва қўшнларини ҳам жалб этган. Ҳозир опанинг устахонасида эликдан зийёд турдаги кўғирчоқлар тайёрланиб, маҳаллий бозорга чиқарилмоқда. — Бу кўғирчоқлар болани овутириш воситаси бўлибгина

қолмай, уни ўйнаб улғаяётган қизалоқлар қалбида миллий қадриятларимизга садоқат туйғуларини шақллантириши билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Робия опа.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа вакиллари фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ушбу ҳужжатга кўра, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши уларнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятини янада кенгайтириб юборди.

# Тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси

Мисол учун, ўтган вақт мобайнида Жамғарманинг Самарқанд вилояти филиали томонидан мингдан зийёд маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти тизимли равишда таҳлил қилинди. Бунда тадбиркорларнинг келажакда қандай лойиҳаларни амалга ошириши мумкинлиги, махсулотларининг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражаси, тижорат тақлифларининг нечоғлиқ самарали эканлиги каби омилларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган ойларида 112 та тадбиркорлик субъектидан махсулотни четга сотиш юзасидан 145 млн. АҚШ долларлик тақлифлар келиб тушган бўлса, ҳозиргача 29 нафар ишбилармон билан 37,66 млн. АҚШ долларлик экспорт шартномалари тузилди, 57 та тадбиркорлик субъекти эса хориждан ҳамкорлар топиб, 32,4 млн. долларлик махсулотни уларга етказиб берди. "Пастдарғом саховати", "Сиеб саховати" масъулияти чекланган

жамиятлари, "СамАнтеп-Гилам" кўшма корхонаси шулар жумласидандир. Дарҳақиқат, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратиб берилётган қулай шарт-шароит ва имкониятлар туфайли эндиликда улар нафақат ички, балки ташқи бозорларнинг ҳам фаол иштирокчисига айланмоқда. Хорижий шериклар билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланапти. Уларнинг бу борадаги ишларини жадаллаштиришда филиалимиз мутахассислари ҳам ўз хизматлари билан муносиб ҳисса қўшишмоқда. Шу мақсадда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида соҳа вакиллари билан учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда эса мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳақида фикр алмашилиб, махсулотини четга сотиш истагида бўлган ишбилармонларга амалий кўмак берилаяпти.

Барчага аёнки, рақобат кучайган ҳозирги шароитда бирор бир мамлакат бозорига кириб бориш осон иш эмас. Бунинг ўзига хос талаб ва мезонлари бор. Айтайлик, маҳсулот, аввало, халқаро талаб ва стандартларга мос келиши лозим. Шуларни инобатга олиб, "Устандарт" агентлиги билан биргаликда корхоналарда сифат менежменти тизимини жорий этиш масаласи чуқур ўрганилиб, ушбу йўналишда махсул жадвал ишлаб чиқилди ва унинг ижросига жиддий киришилди.

Буларнинг бари келгусида вилоятимизда экспортчи корхоналар сонини кўпайтириш орқали юртимиз иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

**Сўхроб ҲАЛИМОВ,** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Самарқанд вилояти филиали директори.

**«NEW ESTATE ACTION» МҶЖ**  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.  
Аукцион савдосига Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 13 июлдаги 1-83/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 5,3786 гектар, умумий қурилиш ости майдони 8436,81 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш мажмуаси қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 1 668 995 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2014 йил 28 май куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МҶЖ**  
**Сирдарё вилояти филиали**  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади.  
I. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 28 мартдаги 12-1309/3494-сонли, 2013 йил 18 апрелдаги 12-1313/2470-сонли, 2013 йил 4 ноябрдаги 12-1304/9493-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Иссиқлик манбаи» ИЧДКга тегишли, Гулистон шаҳри, 4-мавзе, Бўстон маҳалласида жойлашган, майдони 561,88 кв.м. бўлган 0001-литердаги идора биноси ва 0002-литердаги соябонли пиллапога қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 984 977 421 сўм.**  
Аукцион савдоси 2014 йил 27 май куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.  
Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 23 май куни соат 18.00.  
II. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 26 ноябрдаги 12-1304/10273-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, 1-мавзе, Навбахор маҳалласи, Абдураҳмонов кўчаси, 70-уйда жойлашган, майдони 23819,57 кв.м.дан иборат 0001-литердаги 41 хонали идора биноси қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 212 721 293 сўм.**  
III. Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2013 йил 12 апрелдаги 1-110/13-сонли ажримига асосан хатланган, Гулистон тумани, «Мирзо Улугбек» ФХУ ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 973,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 889,0 кв.м., умумий ер майдони 2205,0 кв.м. бўлган чойхона-тўйхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 303 252 676 сўм.**  
Аукцион савдоси 2014 йил 13 май куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.  
Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 8 май куни соат 18.00.  
Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МҶЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.  
Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 228-38-91. www.1kms.uz  
Хизматлар лицензияланган.

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МҶЖ**  
**Наманган вилояти филиали**  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади.  
1. Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 ноябрдаги 16-1203/11795-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хунарманд Л» КТХФга тегишли, Наманган шаҳри, Бериуний соҳили кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 286,92 кв.м., қурилиш ости майдони 450,82 кв.м., хоналар сони 13 та бўлган ошхона ва савдо дўкони бино-иншоотлари қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 173 720 433 сўм.**  
Аукцион савдоси 2014 йил 27 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 23 май куни соат 18.00.  
2. Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 сентябрдаги 16-1202/12320-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Наманган мебель» МҶЖга тегишли, Наманган шаҳри, Косонсой кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 2707,95 кв.м., қурилиш ости майдони 3392,9 кв.м. бўлган тайёрлов цехи бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 651 941 863 сўм.**  
3. Аукцион савдосига Чортоқ тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 14 ноябрдаги 1-397-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Туркiston» МФИда жойлашган, фуқаро Саттибекмирзаева Манзураҳон Холматовнага тегишли, фойдаланиш майдони 115,75 кв.м., қурилиш ости майдони 210,92 кв.м. бўлган ҳаммом, сартароҳона, тикувчилик цехи бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2014 йил 14 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.  
Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 12 май куни соат 18.00.  
Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МҶЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.  
Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz  
Хизматлар лицензияланган.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 618 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.  
• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — Д. Содиқов.  
Мусахҳач — Ш. Машраббоев.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.25  
Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5